

ЁШЛАРНИ АХЛОҚИЙ ВА ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Ҳақлиев В.Б.

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ 2-сон Тошкент Академик лицей катта
ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди, доцент*

Аннотация: Ушбу мақолада ёш авлодни тарбиялашнинг муҳим қирраларини очиб беришга ҳаракат алоҳида аҳамият берилади.

Янги Ўзбекистон барпо этишда ушбу масала муҳим масала ҳисобланади.

Калит сўзлар: ёш авлод, тарбия, маънавий камол, истиқлол, долзарб, Юртбошимиз, иймон-этиқод, ирода, аждодлар, мерос, тафаккур, комил инсон, зоя, мафкуравий бўшлиқ, миллий тарбия, Ватан.

Тарихий тараққиёт жараёнларида ёш авлодни тарбиялаш, уларни маънавий камол топиши ҳамма вақтларда ҳам асосий вазифалардан бири бўлиб келган ва келмоқда. Янги Ўзбекистонни бунёд этишда ҳам ушбу масала ўта долзарблигича қолмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев «Муаммоларимизнинг ечими, саволларимизнинг жавоби фақат ва фақат таълимда. Ҳамма эшикларни очадиган калит ҳам – фақат ва фақат таълим ва тарбиядир»⁴, дея бежизга таъкидламаган.

Ўтган истибдод (Чор Россияси ва шўролар) даврида сунъий равишда шакллантиришга ҳаракат қилинган бегона ғоялар тизими мустақиллик шарофати билан чок-чокидан сўкилиб кетди. Табиийки ёш авлодни тарбиялашдаги мафкуравий бўшлиқни тўлдиришнинг объектив зарурияти пайдо бўлмоқда. Албатта эркинлик, миллий тарбия руҳи ҳеч қачон қотиб қолган нарса эмас. Фақат сусайиши мумкин, холос. Ўтиш даври қийинчиликларидан фойдаланган айримлар ғараз ниятларини амалга оширишга уринмоқдалар. Агар Ўзбекистон тарихига назар ташласак, бизнинг аждодларимиз ўз юртига қилич яланғочлаб келмаган. Афсуски, айрим ёшларимиз қабих ишларга қўл уриб жиноят содир этаётганликлари аён бўлиб қолмоқда.

Хўш, энди табиий савол туғилади, ёш авлодни аждодларимиз сингари диёнатли, эътиқодли, ахлоқий пок, фидои, ватанпарвар қилиб камол топиши учун нималарга эътибор бериш керак?

Бунга жавобни кўхна тарихимизга ва миллий урф-одат, анъаналаримизга мурожаат этиш билан топиш мумкин, деб ўйлаймиз. Озодлик ва мустақиллик, муқаддас тупроқ учун ўз жонини аямаган Тўмарис, Спитамен, Нажмиддин Кубро, Амир Темир, Абдулла Қодирий, Усмон Носир ва бошқа кўплаб юртдошларимиз нима учун ширин жонларини ўйламадилар.

Аммо шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда ҳам ана шундай шерюрак ўғлонларимиз йўқ эмас. Масалан, жиноятга қарши курашган она-

⁴ <https://yuz.uz/news>

Ватанимизнинг мард ўғлонларининг жасорати ва шу юрт учун шахид бўлишлари Ватан туйғуси ҳали жуда юксак эканлигидан далолат беради.

Маълумотларга кўра, дунёнинг ривожланган мамлакатларида содир этилаётган жиноятларда ёшлар улуши куйидаги кўрсаткичга эга. Россия федерациясида 33, Германия ва Англияда 35, Францияда 23, Испанияда 85, АҚШ да 32 фоизни ташкил этади. Жиноятчиликнинг ўсиши нафақат ислохотлар йўлига жиддий тўсиқ бўлиши, балки бугунги стратегик мақсадларга эришишда ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатади.⁵

Ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятлар умумий жиноятларга нисбатан 25 фоизга етган.

АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида 2017 йил 19 сентябрда бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нуткида Президентимиз айти вақтда инсоният тарихидаги энг кўп ёшлар қатлами билан яшаётганимизни инобатга олган ҳолда “Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция” ни қабул қилишни таклиф қилган эди. Давлатимиз раҳбари бунга асос қилиб ёшларнинг сони 2 миллиарддан ортгани, халқаро терроризм ва экстремизм шиддат билан ўсиб бораётган бир пайтда ёшларга ҳимоя зарурлигини муҳим омил сифатида кўрсатган эди. Шу сабабли ҳам ёшлар тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Улар онгидаги бўшлиқни бартараф этиш бўйича аниқ амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, “Мафкура соҳасида бўшлиқ деган нарсанинг ўзи ҳеч қачон бўлмайди. Чунки, инсоннинг қалби, мияси, онгу тафаккури ҳеч қачон ахборот олишдан, фикрлашдан, таъсирлардан тўхтамайди. Демак, унга доимо маънавий озиқ керак. Агар шу озиқни ўзи яшаётган муҳитдан олмаса ёки бу муҳит уни қониқтирмаса, нима бўлади, айтинглари? Бундай озиқани у аста-секин бошқа ёқдан излайди. Шунга йўл бермаслигимиз керак”.⁶

Ўзбекистонда жами жиноятларнинг 1,5 фоизи вояга етмаганлар ҳиссасига тўғри келмоқда. 2025 йилнинг 6 ойида болалар 971 та жиноят содир этди. ИИБ Криминология тадқиқот институти расмийлари ота-оналарнинг фарзандини назоратсиз қолдириб, тарбия бермаётгани бунинг асосий сабаби эканини қайд этди.

2025 йилнинг январь-июнь ойларида вояга етмаганлар томонидан 971 та жиноят содир этилди. Уларнинг аксарияти мактаб ўқувчилари бўлиб, асосан, ўғрилиққа қўл урилган. Бу ҳақда ИИБ Криминология тадқиқот институтида бўлиб ўтган матбуот анжуманида институт раҳбари, полковник Бахтиёр Бердиалиев маълум қилди, дея хабар бермоқда Gazeta мухбири.

Бердиалиевнинг таъкидлашича, институт томонидан вояга етмаганлар жинояти бўйича тадқиқот ўтказилган. Унинг натижасига кўра, жиноят содир этган ёки кўчада назоратсиз юргани учун Ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига олиб келинган болаларнинг 80 фоизи нотўлиқ оила фарзанди экани маълум бўлган. Яъни ота ё онадан бири узоқ муддатга [хорижга

⁵ <https://uza.uz/uz>

⁶ <https://uza.uz/uz>

ишлагани кетган] ёки оила ажралиб, алоҳида яшайди: фарзанд она ё бошқа яқинининг қўлида қолган.

«Воята етмаганларнинг жиноятга қўл уришининг муҳим сабабларидан бири шуки, ота-она боласини қандай тарбия қилишни билмайди. Тадқиқотда қатнашган 90 фоизга яқин ота-она [ўз фарзандига] намуна эмас. Агар ота-она боласига вақтида тарбия бериб, унинг ўқишга нисбатан қизиқиши ёки машғулоти устидан назорат ўрнатганида ва бу оила учун фойда келтиришини билганида эди, боласи жиноят йўлига кирмасди ёки жиноят содир қилишни тўхтатган бўларди», — дейди у.

«Биз бола тарбиясини нимага мактабга ташлаб қўямиз? Аслида мактаб дарс бериш билан шуғулланиши керак. Тарбияни эса маҳалла, ота-онадан олиши зарур. Бола нима учун ўғрилиқ жиноятини содир этади? Ҳозирги замонда нонсиз ёки оч қолиб кетадиган оила йўқ-ку. Аммо бола назоратсиз қолса, бундан каттароқ жиноятларни қилиши мумкин», — дея қўшимча қилди Бахтиёр Бердиалиев.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан “Ёшлар: 1+1”, “Ҳар бир тадбиркор – ёшларга мададор”, “Ёшлар кичик саноат зоналари”, “Лойиҳалар фабрикаси”, “Ёшлар технопарклари”, “Ёшлар мурожаати” электрон платформаси сингари лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди.⁷

Бизнингча бой маънавий меросимизни ёшларимиз қалбига турли йўл ва усуллар билан киритишга ҳаракат қилишни бир лаҳза ҳам тўхтатмаслик, шундагина уларда ахлоқий етуклик, Ватанга фидойилик руҳини шакллантириш заминидир. Шунинг учун мамлакатимизда махсус мактаблар ташкил этилди. Ўзбекистондаги барча олий ўқув юртларига талабалikka иқтидорли ёшларни қабул қилишни йўлга қўйилмоқда.

Шунингдек, президент ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш орқали уларда **«хуқуқбузарликка қарши иммунитет»** яратиш бўйича тизим қилиш зарурлигини таъкидлади.

Келтирилишича, ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва касбга йўналтириш, тарбияси ва ўқишида муаммо бўлган ўқувчиларнинг ота-оналари ва маҳалла фаоллари билан бирга ишлаб, муаммоларни ечишга қаратилган аниқ чораларни кўриш муҳим.

Маҳалла раислари ҳар ой мактабларда ота-оналар билан учрашиб, маҳалла ва мактабдаги муҳитни муҳокама қилиши мақсадга мувофиқ. Мактабларда таниқли шоир ва ёзувчилар, спортчилар, фахрийлар, жамиятда обрўга эга инсонлар билан учрашувларни кўпайтириш лозим.

Қолаверса, болалар тарбиясини яхшилашга, ота-оналар дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қиладиган миллий контентни маҳалла ва таълим муассасаларига етказиб туриш топширилди.

Мутасаддиларга **«мактаб — ота-она — маҳалла» занжири асосида электрон мулоқот платформасини** ишга тушириш топширилди.

⁷ <http://pravacheloveka.uz/>

Ёшлар ўртасида оммалашган **ижтимоий тармоқларни** таҳлил қилиб, уларнинг **зарарли таъсиридан ҳимоялаш** ва ижобий томонидан фойдаланиш бўйича ота-оналар ва ўқувчиларга содда тилда қўлланмалар яратиш муҳимлиги қайд этилди.

Шунингдек, мактабга мослашиш ва китобни севишга ўргатиш, яхши хулқли бўлиш, атрофидагилар билан мулоқот қилишни ўрганиш ва билим олишга кучли иштиёқни шакллантириш, касб танлаш, жамиятга мослашиш, катта ҳаётга қадам қўйишда фарзандларга қандай йўл-йўриқ бериш зарур, деган саволлар юзасидан ота-оналар учун халқчил тилда материаллар тайёрланади.

«Юқорида айтилган ташаббуслар амалиётда йўлга қўйилса, ота-онада масъулият, ўқитувчида мажбурият, ўқувчида ишонч, таълим ва тарбияда сифат, маҳаллада эса назорат бўлади», — деди давлат раҳбари.⁸

Бой тарихимиздан бизга мерос бўлиб қолган халқ оғзаки ижодиёти, “Авесто”, “Ислом”, тасаввуф, тарихий халқ қаҳрамонларимиз фаолиятини ва умуминсоний ғояларни ўзида мужассамлаштирган турли бадиий фильм, мультфилмларни танлов асосида яратиш бошланди.

Ўзбекистоннинг барча жойларида ўзини ўзи бошқариш органларининг ёш авлодни комил инсон сифатида камол топишидаги таъсирчанлигини, айниқса маҳалла оқсоқоли, фаоллари ва ота-онанинг масъулиятини белгилаш аста-секин ўз самарасини кўрсатмоқда.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, келажакимиз ёшларнинг қўлида эканлигини унутмаган ҳолда улар томонидан жиноят ёки ҳуқуқбузарлик эмас, эзгу ва бунёдкорлик ташаббуслари чиқишини, шундай ишлар амалга оширилишини таъминлаш учун барчамиз бирдек ҳаракатда бўлмоғимизни замоннинг ўзи талаб қилмоқда.

⁸ <https://uza.uz/uz>